# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 6 декабрь, № 236 (5403) Сешанба


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



2011 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида амнистия актининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорида қуйидаги маҳкумларни — аёлларни; жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни; 60 ёшдан ошган эркакларни; чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шу билан бир қаторда, Сенат қарорида яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги актнинг амал қилиши таъсир этмайдиган шахслар доираси белгиланган.

Сенат ўзининг қарори билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланиш тартибини белгилаган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомили баён этилган. Бунда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия акти қўлланилиши, шунингдек, амнистия актини қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишига қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджетини кўриб, тасдиқладилар. Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга тушаётган солиқ юкини янада камайтиришга, ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қулай шароитлар яратишга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, ишлаб чиқариш янада ўсишини ҳамда аҳолининг реал даромадлари кўпайишини рағбатлантириш учун зарур бўлган бошқа чораларни рўёбга чиқаришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатнинг 2012 йилги асосий молиявий ҳужжати иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорларини инфляция суръатларидан юқори даражаларда ошириш йўли билан аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлашни назарда тутади. Ҳужжат бюджет аҳолига ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини кучайтиришга, шунингдек, жаҳонда инқироз ҳолатлари давом этаётган бир шароитда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан барқарор ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кам бўлган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1–4, 6 ва 7-бандларининг амал қилиши — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4–6-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 декабрь

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Конституция ҳамда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламентнинг ўрни” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*



## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Унда Парламентимиз аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, мустақил экспертлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва уларнинг самаралари замирида Конституциямиз турганига алоҳида урғу берилди. Зотан, Асосий Қонунимиз жамиятда рўёбга чиқарилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий модернизация жараёнларида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

— Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — деди Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов. — Бу борадаги ислоҳотлар самарадорлигини кенгайтириб боришда Асосий Қонунимиз ҳамда унга киритилган тузатишлар, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янги бир босқичини бошлаб берган Концепция, унда илгари сурилган ғоя ва таклифлар рўёби ғоятда долзарбдир.

Тадбирда Конституциянинг кўп партиявийлик ва унинг тараққиёт истиқболлари, парламент назорати, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга оид нормалари мазмун-моҳиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Шубҳасиз, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда кўп партиявийлик тизимининг қарор топиши ва ривожланиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириб бориш, сайловларда аҳолининг хоҳиш ва эркинликларини ифодалаш, уларнинг марказда ва жойларда давлат бошқаруви органларини шакллантиришдаги иштирокини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Конституциямизда ҳам Ўзбекистон Республикасида сиёсий институтлар, ижтимоий ҳаёт мафкуралар ва фикрларнинг хилмахиллиги асосида ривожланиши, фуқаролар сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эга эканлиги, сиёсий партияларнинг турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалаши ҳамда ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этишлари тўғрисидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Табиийки, мазкур нормалар юртимизда кўп партиявийлик тизимини қарор топтиришнинг асосий пойдеворидир.

Конференцияда амалдаги қонунларга риоя қилиш, улар ижросини сўзсиз таъминлаш, ҳуқуқий механизмларни замон талаблари билан уйғунлаштиришда парламент назорати муҳим аҳамият касб этиб бораётганига тўхталиб ўтилди. Маълумки, парламент назорати нафақат қонунлар сифати ва самарадорлигини кучайтиришда, балки ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, айни чоғда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгида қонунга итоаткорлик руҳини юксалтиришда алоҳида ўрин тутади.

Илмий-амалий конференцияда Конституциямиз жамиятимиз тараққиётида юксак аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

*Францияда нашр қилинадиган «Les Echos» номли нуфузли иқтисодий газета саҳифасида журналист Лоран Леблоннинг “Ўзбекистоннинг мафтункор мероси” сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Унда мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ва улар бағрида жойлашган бетакрор осориатиқалар ҳақида ҳикоя қилинади.*

### «Les Echos»:

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАФТУНКОР МЕРОСИ»

**Дунё нигоҳи**

Мақола Ўзбекистоннинг афсонавий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ўз гўзаллиги ва улуғвор меъморий ёдгорликлари билан бутун дунё сайёҳларини мафтун этаётгани ҳақидаги фикрлар билан бошланади. Муаллиф мазкур шаҳарларимизни “Ўрта Осиё ганжиналари”, дея таърифлайди.

— Кейинги йиллар давомида Ўзбекистонга келаётган европалик сайёҳларнинг сони тобора ошиб бормоқда, — деб ёзади Лоран Леблон. — Улар республикада ўрта аср меъморчилигининг нодир дурдоналарини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва уларни таъмирлаш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларга юқори баҳо беришмоқда. Мазкур ноёб тарихий ёдгорликларнинг аксарияти Амир Темур бошқаруви ҳамда Темурийлар даври билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг ўзига хослиги ва маҳобати хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, муаллиф ўқувчиларни хаёлан кўҳна Хивага “чорлайди”. Ўрта асрларда “саҳро йўли орқали Хитой томон йўл олган узундан-узун карвонлар ҳордиқ чиқариш учун бу ерда тўхтаб ўтишган”.

Мақола муаллифи қадимий ва замонавий Бухоро ҳақида тўхталар экан, газетхонларни машҳур Лаби Ҳовуз билан атрофлича таништиради. “Маҳаллий аҳоли худди юз йиллар муқаддам бўлгани сингари бўш вақтларини бу ерда, анжир дарахтлари билан ўралган ҳовуз бўйида,

(Давоми 4-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

## Замонавий уй-жойлар — қишлоқлар файзи

**2011** йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш Дастури доирасида жорий йил бошидан буён қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида майдони 875,1 минг квадрат метрлик **5966** та якка тартибдаги туражой қурилди.

Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойларни юртдошларимиз аҳолига чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида қабул қилишмоқда. Яшаш учун қулай ва барча шарт-шароит муҳайё бўлган бундай тураржойлар туфайли ҳар йили минг-минглаб қишлоқ аҳли уй тўйларини ўтказмоқда. Биргина жорий йилнинг тўққиз ойида уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кўрилган қўшимча чора-тадбирлар натижасида республика бўйича барча манбалар ҳисобидан жами 7400,7 минг квадрат метр тураржой фойдаланишга топширилган бўлса, шундан 5776 минг квадрат метр ҳажмдагиси қишлоқ жойларда барпо этилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган қурилиш ишлари кўламининг йил сайин кенгайишида соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларининг ортиб бораётгани муҳим аҳамият касб этаяпти. Масалан, шу йил январь — сентябрь ойларида маҳаллий хом ашё ресурслари ва компонентларидан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 226 та, деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 125,5 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 40 та корхона ишга туширилди, пишиқ ғишт тайёрлаш бўйича 28 та объектда модернизациялаш тадбирлари якунланди. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва ташкилотларнинг асосий қурилиш ашёларига ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлашда янги имкониятлар эшигини очмоқда.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кичик бизнес субъектлари жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга тушириш назарда тутилади.

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси бир фоиз бандига камайтирилади. Бу эса тўловчиларнинг ҳар бир гуруҳидан ундириладиган солиқ қисқаришини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинадиган харажатларни кўпайтириш тамойили сақланиб қолишини назарда тутаётганлиги, уларнинг улуши умумий харажатларнинг 58,6 фоизини ташкил этиши алоҳида қайд этилди. Давлат бюджетида таълим, соғлиқни сақлашни молиялашни кўпайтириш, иш ҳақини ва ижтимоий тўловларни ошириш назарда тутилган.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бандлик оширишини, аҳоли даромадлари ўсишини, турмуш даражаси ва сифати юксалишини, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Дастурда 2012 йилги инвестиция дастурини, 2011 — 2012 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини, минтақавий инвестиция дастурларини рўёбга чиқариш ҳисобига 2012 йилда 967,5 мингта, асосан, қишлоқ жойларда, иш ўринлари ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши кичик корхоналар ва микрофирмалар очиш, хусусий тадбиркорликни ва касаначиликни ривожлантириш, паррандачиликка, балиқчиликка, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари сонини кўпайтириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, автомобиль ва темир йўллари қуриш ҳамда уларни таъмирлаш ишларини жадаллаштириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этилишига ёрдам беради.

Сенаторлар давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини ҳозир амал қилиб турган етти йилдан беш йилгача қисқартиришни назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Ўзбекистон йигирма йиллик тараққиёт даврида давлат тузилишини қарор топтириш ва уни ислоҳ қилиш ҳамда ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий принципини рўёбга чиқариш, улар ўртасида самарали ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлар тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятларининг роли ва ваколатларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини босиб ўтганлиги қайд этилди.

Миллий давлатчилигимизни ҳамда мамлакатимиз учун янги бўлган эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш ва қарор топтиришнинг дастлабки йилларида Президентга берилган ҳуқуқлар ҳамда ваколатларнинг бир қисмини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларга бериш соҳасидаги ишлар изчил, тизимли ва кенг кўламли ўзгартишлар доирасида олиб борилди. Чунончи, илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб келган Вазирлар Маҳкамасининг Раиси лавозимининг тугатилиши ва ушбу ваколатларнинг Бош вазирга берилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий иш бўлди.

Икки палатали парламент шакллантирилиши билан Президент ваколатларининг кўп қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига берилди ва бугунги кунда унинг томонидан муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Сенаторлар ҳозирги кунда кўрилаётган мана шу ва бошқа чора-тадбирларнинг ҳаммаси мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб, босқичма-босқич ҳамда эволюцион йўл билан илгарилаб бораётганлигининг, Ўзбекистон ўз олдига қўяётган узоқ муддатли мақсад — замонавий ривожланган, демократик давлатлар қаторидан жой олиш мақсади рўёбга чиқарилаётганлигининг ёрқин тасдиғи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Олий Мажлис юқори палатасининг вакиллари қайд этганларидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш муддатини ҳозир амал қилиб турган етти йилдан беш йилгача қисқартириш мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг объектив реаллигини, мантиқи ва изчиллигини акс эттиради, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабларига, шунингдек, дунёдаги ривожланган демократик давлатларнинг мутлақ кўпчилигида вужудга келган амалиётга мосдир.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Жабрланувчининг шикояти бўйича жиноий ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш ҳолларини кенгайтирадиган ушбу Қонуннинг асосий мақсади жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштиришдан иборат эканлиги қайд этилди.

Шундан кейин «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Қонуннинг асосий мақсади пенсиялар миқдорларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўтган йилларнинг иш ҳақларини қайта ҳисоблаш тартибини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйишдан иборатдир.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

Товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида тайёрланган «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Хусусан, Қонундаги асосий янгиликлардан бири молия хизматлари бозорларига монополияга қарши тартибга солишни жорий қилишдан иборат эканлиги қайд этилди. Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши рақобат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тиниқлиги ва самарадорлигини оширади, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, товарлар эркин олиб юрилиши учун тенг шароитларни, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаб беради, бу эса товарлар ва хизматлар бозорларида рақобатни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишнинг асосий жиҳатидир.

Сенаторлар «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонун телекоммуникациялар соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, фойдаланувчилар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, жамият ва давлат қурилишининг ҳамма соҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш учун шароитлар яратишга қаратилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини ижро этиш юзасидан тайёрланган ва қабул қилинган «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Мажлис давомида «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида тайёрланган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

Ҳар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам маъқулланди. Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши солиқ маслаҳати бўйича хизматлар бозорининг ривожланишига, солиқ қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР!

## Келажак сари дадил одимлар

**Лео БОКЕРИЯ, А. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги:**

– Касбим тақозосига кўра, кўп мамлакатларда, шаҳарларда бўлганман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ва мафтункор. Аммо Тошкентни ўзгача меҳр билан яхши кўраман. Ўзбекистонда тиббиётни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияларда олдин ҳам иштирок этганман. 25-26 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган бу галги симпозиумга таклиф этилганим — мен учун ўзгача бўлди. Аввало, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мазкур тадбирнинг Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилгани давлатингиз раҳбари томонидан мамлакатда соғлиқни сақлашга нечоғли улкан эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Бундай йирик тадбирларни ўтказиш ўз-ўзидан бўлмайди. Қаердаки, тинчлик-осойишталик бўлса, ўша ерда ривожланиш бўлади. Шу маънода, Ўзбекистондаги осуда ҳаётга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Бинобарин, мустақилликка эришилгач, бошқа соҳалар қатори тиббиётда, жумладан, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сифатли тиббий хизматлардан тенг ва кенг фойдаланишини таъминлаш учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатингизда яратилган соғлиқни сақлаш миллий модели аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам даражасини ошириш, хусусан, халқаро стандартлар бўйича касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашга комплекс ёндашувга асосланган. Бошқа йўналишлар қаторида юрак-қон томир, шу жумладан, неонатал жарроҳлик ҳам фаол ривожланмоқда.

Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов томонидан аниқ белгилаб берилган ва ушбу йўналишдаги энг яхши хорижий тажриба ҳамда мамлакатингизнинг улкан ютуқларидан фойдаланиш асосида соғлиқни сақлаш тизимини режали ва комплекс равишда ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Зеро, соғлиқни сақлаш жамиятни ривожлантиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга.



## Ободлик кўнгилдан бошланади

**Суйима ҒАНИЕВА, профессор, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси:**

— Дунёда соғлиқ ва тинчликдан ортиқ неъмат йўқ. Навоий бобомиз ҳам ўзларининг машҳур бир рубоийсини: "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш..." деб бошлаганлари бежиз эмас. Бугун турмуш фаровон, мамлакат обод ва тинч. Биз каби зиёлиларнинг қадри баланд, қадди тик. Шахсан ўзим камтарона хизматларимнинг Президентимиз томонидан юксак қадрланганидан бошим осмонда. Менга ўхшаб қадр топган ва бундан куч-ғайрат олиб илҳомланганлар қанчадан-қанча? Бугун бизнинг барча илму интилишларимиз, эзгу ниятларимиз озод юртимизни обод этишга қаратилган. Ободлик эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кўнгилдан бошланади. Маънавий-маърифий ҳаётимиздаги беқиёс ўзгаришлар, ёшларимизнинг Навоийни ўрганишга иштиёқи ортиб бораётганлиги ана шу улуғвор ўзгаришларнинг самарасидир.

Жорий йилда ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда турли мамлакатлардан келган олимлар юртимиздаги ободончиликни кўриб ҳайратландилар.

Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллиги кенг нишонланаётган мана шундай шукуҳли кунларда барча юртдошларимизни қутлаб, шуни алоҳида мамнуният билан айтамизки, Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилган барча ютуқларимиз эзгу умидларимиз рўёбидир. Ватанимизнинг буюк истиқбол сари дадил одимлашига кўз тегмасин. Эзгулик боғи ҳамиша яшнайверсин.

## Ўзбекистон – нуфузи тобора ошиб бораётган давлат

**Мари Камель КЕНОРМАНД, Франция меҳнат, бандлик ва соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:**

— Ўзбекистон — изчил тараққий топиб, нуфузи тобора ошиб бораётган давлат. Бугун дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, евроминтақада молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири яққол сезилиб, ўткирлашиб бораётган бир шароитда юртингиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юксак ютуқларга эришаётгани эътирофга лойиқдир.

Сабаби, мамлакатингизда истиқлолга эришилган илк йилларданоқ Президент Ислом Каримов томонидан аҳоли фаровонлигини юксалтиришга катта эътибор қаратилди. Бу йўлда пухта стратегия ҳаётга жорий этилди. Таъкидлаш жоизки, аҳолининг барча қатламлари манфаатларига бирдек хизмат қилувчи бундай модель пировардида глобал миқёсда намуна олишга арзигулик кўрсаткичларни тақдим этмоқда. Юртингизда сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда рўёбга чиқарилаётган модернизация жараёнлари, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида хабар топган инсон бунга минг карра ишонч ҳосил қилади. Кўплаб давлатларга намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган Ўзбекистонга хос ана шундай ёрқин жиҳатлардан бири замонавий ва малакали социал хизмат тизими эканлиги шубҳасиздир.

## Салмоқли муваффақиятлар эътирофга лойиқ

**Но БО КИМ, "Save the children" халқаро ташкилоти филиали ваколатхонаси бошлиғи (Жанубий Корея):**

— Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бораман. Айниқса, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларингизни кўриб, тўғриси, ҳайратланаман. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида туб ислоҳотлар олиб борилиб, қатор давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги салмоқли муваффақиятлари халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни Ўзбекистон ўн минг кишилик жамоадан иборат ташкилотимиз томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилганида ҳам кўриш мумкин.

**Эдвард Жеймс О`РУРК, Гарвард университети профессори, Гарвард тиббиёт мактабининг халқаро дастурлар бўйича илмий жамиятлар қўмитаси раиси (АҚШ):**

— Ўзбекистонга биринчи марта бундан ўн йил олдин келгандим.

## Барқарор тараққиёт мамлакати

Тўғриси, бу сафарги ташрифим чоғида Тошкент янада замонавийлашиб, чирой очганига шоҳид бўлдим. Ушбу янгиланишга монанд юртингиз тиббиёти ҳам шунчалик жадал ривожланмоқдаки, уни бир сўз билан ифодалаб бера олмайман. Педиатр бўлганим учун келишим биланоқ пойтахтингиздаги педиатрия илмий-амалий маркази фаолияти билан яқиндан танишдим. У ердаги шароит, қулайликлар юксак даражада. Бу ерда болаларнинг соғ-саломат камол топишлари учун неки зарур бўлса, барча-барчаси муҳайё этилган.

Бинобарин, юртингизга ташриф буюрган ҳар қандай инсон Ўзбекистон том маънода барқарор тараққиёт мамлакати эканлигини юракдан ҳис қилади. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон бутун оламни ўзига маҳлиё этмоқда.



## Санъатимизга жаҳон ошуфта

**Мунożат ЙЎЛЧИЕВА, Ўзбекистон халқ артисти, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси:**

— Хизмат сафари, концертлар туфайли чет элларда кўп бўламиз. Қайси мамлакатда бўлмайин, бир-икки кундаёқ Ўзбекистонимизни соғиниб қоламан. Чунки бизнинг юрт гўзал, одамларимизнинг бир-бирига бўлган меҳри беқиёс. Шундай бебаҳо ўлкамиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, хориж мамлакатларида бизнинг санъатимизга ҳавас билан қарашади, мумтоз хонишларни ижро этганимизда олқишлайдилар. Бу бежиз эмас. Зеро, истиқлол йилларида санъатни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бермоқда. Баъзан истеъдод эгаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда қатнашиб, жажжи қизалоқларнинг ҳам қойилмақом тарзда куйлашларидан завқланаман. Фарзандлар камоли йўлида бундай ғамхўрлик унча-мунча давлатда учрамайди. Санъатга интилган қизларимиз, сингилларимиз, аввало, мана шу эътиборни чин юракдан ҳис қилсалар, ўз орзу-ниятларига, албатта, эришадилар.

## Юрт равнақига камарбастамиз

**Барногул САНАҚУЛОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиати, Тошкент Молия институти аспиранти:**

— Мустақил диёримизда навқирон йигит-қизларнинг мустаҳкам билим олиши учун беқиёс шарт-шароит яратилган. Таълим тизими ривожига миллиардлаб маблағ сарфланмоқда. Ёшлар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида кўплаб ижтимоий лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу боис ҳар биримиз ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, озод ва обод келажак қуришда асосий куч бўлиб майдонга чиқаётганимизни дилдан ҳис этиб, унга муносиб бўлишга интилмоқдамиз.

Бахтим шундаки, ўтган йили аспирантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси учун ўтказилган танловда ғолиблар сафидан жой олдим. Бу мен учун ниҳоятда юксак масъулиятдир. Ишонтириб айтаманки, биз, ёшлар, албатта, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлида бор имконият ва салоҳиятимизни ишга солиб, юрт равнақи йўлида камарбаста бўлаверамиз..



## Юксак эътибор масъулияти

**Умидахон ЖЎРАЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**

— Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган беқиёс эътибор бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бундай ютуқ ва муваффақиятлар замирида жамиятимизда хотин-қизлар ролини ошириш борасидаги ислоҳотлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Болалигимдан математика, физика ва информатика фанларига меҳр қўйдим. Юртимизда иқтидорли ёшларнинг ўз қобилиятини намоён қилишлари учун барча имконият яратиб берилганлиги туфайли 2008 йили Москва шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада ғолибликни қўлга киритдим. Шунингдек, 2010 йилда бир неча республика танловларида ва халқаро олимпиадаларда муносиб тақдирландим. Яна шу йили математика фани бўйича Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган 51-халқаро олимпиадада кумуш медални қўлга киритиб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига имтиёзли равишда қабул қилиндим.

Ушбу ютуқларимга асос, аввалambор, Президентимиз томонидан биз, ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиб-унишимиз, таълим олишимиз учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлардир. Мен каби минглаб навқирон авлод вакилларини рағбатлантириб, отамиздек бошимизни силаётган Юртбошимизга раҳмат!

Ёшларга қаратилаётган эътибор эртанги кунимизнинг бугунгидан-да ёруғ ва фаровон бўлиши учун қўйилаётган мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Мана шундай тинч ва осуда замонда, барча имконият яратиб берилган шарт-шароитда яшаб, илм ўрганиб, юртга наф келтириш эса ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас вазифасидир.

# «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**халқимизни Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси**

# Конституциясининг 19 йиллиги




**билан самимий муборакбод этади!**

**Ҳаётимиз Асосий Қонунида белгиланган миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда тамойиллар асосида тараққий этаётган Ватанимизда истиқомат қилаётган азиз юртдошларимизга тансиҳатлик, хотиржамлик, хонадонларига файзу барака, она-диёримиз равнақи йўлидаги барча меҳнатларида улкан зафарлар тилайди!**

1633R/60

# «АСАКА» банки (ОАЖ)
## жамоаси

***мамлакатимиз аҳолисини***

## *Конституция куни*

***билан чин дилдан қутлайди!***

***Барчага тинчлик-хотиржамлик, фаровон ҳаёт, бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ ва оилавий бахт тилайди.***



**«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ**
**«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

# ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**қуйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш бўйича 13/11-сонли тендер савдосини эълон қилади:**

| Лот | Кимёвий реагент номи | Миқдори |
|---|---|---|
| Лот № 1 | Циклогексан SH | 300 тонна |
| Лот № 2 | Присадка, ирганокс 1010 (АО8) | 78,281 тонна |
| Лот № 3 | DC-7602 реакторида тўғридан-тўғри оксидлаш усули билан олтингугурт олинишида ишлатиладиган катализатор | 15,8 $м^3$ |

***Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади. Тендер таклифи битта контракт бўйича 1 000 000 АҚШ доллари миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.***

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

**Шўртан газ-кимё мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.**
**Тел./факс: (+99875) 780-87-74.**
**Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: tender@sgcc.uz**

1641R/49

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2011 йил 30 майдаги 16-1105-3264-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Мингбулоқ тумани бўлими томонидан хатланган, «Жомошуй» ШФЙ, «Қўриқобод» МФЙ ҳудудида жойлашган, «Мингбулоқ транс экспресс» хусусий корхонасига қарашли бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 370 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2011 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар (талабнома)ни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

*Лицензия: RR-0001.*

**Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават. Тел.: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.**

1647R/773

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибият бўлим мудири Акрам Ғаффарович Жумаевга волидаи муҳтарамаси **МУНАВВАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | СУЮЛТ. ГАЗ 2809,5 ▲ +579,6 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 192,4 ▼ -0,8 | УН биринчи нав 645,9 ▲ +20,9 | ОМИХТА ЕМ 385,0 ▲ +77,3 |
|---|---|---|---|---|

Эъзоз

*Пойтахтимиздаги “Истиқлол” санъат саройида имконияти чекланганлар ўртасидаги турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз довруғини дунёга таратишга катта ҳисса қўшаётган спортчиларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# ҒАМХЎРЛИКДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур хайрия тадбирида қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, имконияти чекланган болалар, уларнинг ота-оналари, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари қатнашишди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун, деган эзгу тамойил асосида олиб борилаётган оқилона сиёсат самараларини бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, турли спорт клублари, соғломлаштириш мажмуалари фаолиятини takомиллаштириш орқали жисмоний имконияти чекланган кишиларни спортга кенг жалб этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликлар меҳрга, кўмакка муҳтож инсонлар қалбида қатъият, ирода сингари туйғуларни янада мустаҳкамлаб, иқтидорларини намойиш этишга бўлган ишонч ҳиссини орттиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар номи эълон қилинди. Унга кўра, Дониёр Солиев “Йилнинг энг ёш спортчиси”, деб топилди. Маълумки, Дониёр 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган Параосиё ўйинларида узунликка сакраш бўйича бронза медалини қўлга киритган. У жорий йилги мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Жумладан, яқинда Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган енгил атлетикачиларнинг халқаро турнирида уч ҳатлаб сакрашда олтин медалга сазовор бўлди.

“Йилнинг энг яхши спортчиси” номига Даврон Хидиров лойиқ кўрилди. Даврон таэквондо (WTF) бўйича Дефлимпия ўйинлари совриндоридир. Ҳозир у келгуси йили Аргентинада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати ҳамда Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

Тақдирлаш маросимига санъат усталарининг концерт дастури ўзгача файз бағишлади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Les Echos»:

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАФТУНКОР МЕРОСИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бир пиёла кўк чой устида ўтказишни хуш кўради. Ҳовузнинг нариги тарафидаги бозор гумбазлари остида ҳунармандлар тайёрлаган заргарлик буюмларини, сопол идишлар, чиройли гилам ва халқ амалий санъатининг бошқа гўзал намуналарини завқ билан кўздан кечиришингиз ёки харид қилишингиз мумкин”, деб ёзади у.

Лоран Леблон “Меъморий қурилиши ва жозибадорлиги билан киши эътиборини оҳанрабодек ўзига тортадиган Сомонийлар мақбараси ҳамда Баҳоуддин Нақшбандий мақбараси жуда кўп сонли сайёҳларнинг ҳам зиёратгоҳига айланиб қолганини” қайд этади.

— Буюк Ипак йўли бир пайтлар Марко Полони ҳайратга солган афсонавий Самарқанддан ҳам ўтади, — деб ёзади муаллиф. — Буюк давлат арбоби Амир Темур бу шаҳарда маҳобатли ва муҳташам меъморчилик иншоотларини бунёд этган.

Лоран Леблон мазкур шаҳар бағридаги Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси сингари қатор қадамжолар дунё сайёҳларининг ақлини шоширадиган даражадаги ўзига хослик ва гўзалликка эга эканини газета ўқувчиларига маълум қилган. Шоҳи Зинда мажмуи ҳам муаллифда унутилмас таассуротлар қолдирганини пайқаш қийин эмас.

Шунингдек, франциялик журналист мамлакатимиз пойтахти — азим Тошкент шаҳрида кўрган-кечирганларини ҳам газетхонлар билан ўртоқлашади. У “Ўзбекистоннинг мафтункор мероси” сарлавҳали мақоласида юртимизда истиқлол йилларида бунёд этилган ва ўзида ёрқин хотиралар қолдирган Мустақиллик майдони, Амир Темур хиёбони ҳамда бошқа меъморий иншоотларни ҳам атрофлича қаламга олган.

**«Жаҳон» АА.**
Париж

Кўргазма

# МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР НАМОЙИШИ

***Тошкент Фотосуратлар уйида “Объективда — номоддий маданий мерос” мавзуида кўргазма очилди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги халқаро “Олтин мерос”, “Маҳалла” жамғармалари ҳамда бир қатор ижодий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маънавий меросимизни ўрганиш, тарғиб қилиш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. “Объективда — номоддий маданий мерос” танлови ҳам умрбоқий анъаналаримиз тарғиботи, шунингдек, фото ва видео соҳасида шу йўналишда ижод қилаётган ёшларни рағбатлантириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар сирасига киради.

Танловнинг республика босқичига 150 та фотоҳаваскорлик, 26 та видеоасарлар тавсия этилган бўлиб, уларда халқимизнинг миллий маросимлари, удумлари, урф-одат ва анъаналаримиз, шунингдек, халқ амалий санъати дурдоналари ўз ифодасини топган.

**М. ХОЛМАТОВА.**

Эзгулик

***“Соғлом авлод учун” халқаро жамғармасида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан тадбир ўтказилди.***

# МУРУВВАТ ВА РАҒБАТ

Мамлакатимизда ижтимоий ёрдамга муҳтож, жисмоний имкониятлари чекланган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси томонидан ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Биргина жорий йилнинг шу даврига қадар халқаро ташкилотлар томонидан 30 га яқин турдаги дори-дармон, тиббиёт анжомлари, мультивитамин, ногиронлар аравачасидан иборат мурувват юклари қабул қилиб олиниб, жамғарманинг минтақавий филиаллари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари орқали тиббий ва махсус болалар муассасаларига тақдим этилди.

Тадбир доирасида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи йигирма нафар бемор болага ногиронлар аравачалари ҳамда махсус озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

**Н. РАИМОВА.**





1643R/1385




1645R/1367





КЎМИР (БПК) 40,3 ▲ +1,0




ШИФЕР (1 лист) 14203 ▼ -505




ПАХТА ЁҒИ 2008,9 ▲ +76,5

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.55 Топширилди — 04.50 1 2 3 4 5